



Journal of Natural Sciences

№1

(2020)

<http://natscience.jspi.uz>



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бош мұхаррир – Худанов Улугбек Ойбутаевич, доц. Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети декани.

Бош мұхаррир ёрдамчысы-Мурадова Дилафруз Кадировна, Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети Кимё ва уни ўқитиши методикаси кафедраси доц.в.б.

ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

1. **Худанов У – Табиий фанлар факультети декани,т.ф.н., доц.**
2. **Кодиров Т- к.ф.д, профессор**
3. **Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор**
4. **Султонов М-к.ф.д, доц**
5. **Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.**
6. **Хакимов К –г.ф.н., доц.**
7. **Азимова Д- б.ф.н.**
8. **Мавлонов Х- б.ф.д., доц**
9. **Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.**
10. **Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)**
11. **Мухаммедов О- г.ф.н., профессор в.б.**
12. **Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)**
13. **Раширова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD)**
14. **Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)**

ГЎЗАНИНГ БЎРТМА НЕМАТОДАЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Матмуратова Гулноза Баҳтияровна, ўқитувчи

Жиззах Давлат педагогика институти

Аннотация: Бўртма нематодалар билан заарланган ғўзанинг асосан илдиз қисмида патологик ўзгаришлар кузатилади. Бўртма нематодалар личинкасининг ривожланиши ва гигант хужайралар шаклланиши натижасида ўсимлик илдизидаги ўтказувчи тўқималарнинг функцияси бузилади. Натижада намлик ва озуқа бўртма нематодалар личинкасига сарфланади. Оқибатда ўсимлик хосили кескин камаяди.

Аннотация: При заражение галловыми нематодами хлопчатника происходят патологические изменения на корнях. Развитие личинок галловых нематод и образование гигантских клеток на корнях растения нарушается функции проводящая ткани корня. В результате влажность и питания расходуются на питание личинок галловых нематод. В следствие урожайность растения ухудшается.

Annotation: At infection of a cotton-plant with gallovy nematodes bring pathological changes on roots. Development of larve gallovy nematodes and rejuvenescence of big cells on roots of plant is broken functions carrying out root fabrics. As a result humidity and nourishment are spent for food of larve gallovy nematodes. In a consequence productivity of plant worsens.

Калит сўзи: нематода, бўртма, ғўза, фитонематода, илдиз

Ғўза - қимматли техник ўсимлик. Унинг хосили жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш учун унинг зааркунандаларини ўрганиш ҳамда касалланишдан ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга. Ғўза зааркунандаларидан бири фитонематодалар. Фитонематодаларнинг паразит турлари ва улар келтирадиган

касалликларнинг олдини олишда, уларга қарши кураш бўйича чоратадбирларни режалаштириш ва уни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДХ) давлатларининг айрим худудларида ва хорижий мамлакатларда бўртма ҳосил қилувчи, циста ҳосил қилувчи ва бошқа паразит нематодалар техник экинлар, ғалла, полиз ва сабзавот экинлари ҳосилдорлигига 30-40% гача зарар келтиради.

Фитонематодалар орасида, айниқса бўртма нематодалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон шароитида бўртма нематодаларни ўрганишга қаратилган кўп сонли илмий ишларнинг мавжудлигига қарамай республиканизнинг аксарият худудларида уларнинг тур таркиби, тарқалиши ва ҳар бир турнинг алоҳида био-экологик хусусиятлари кам ўрганилган. Ўзбекистоннинг жанубий худудлари асосий ғўза экиладиган худуд хисобланади, бу худудларда бўртма нематодаларнинг тўлиқ даражада ўрганилмаганлиги уларнинг ўсимликлар учун келтирадиган заари тадқиқот олиб боришга асос бўлди.

Тадқиқот мақсади ғўзанинг бўртма нематодалар билан заарланиши ва унинг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан ийғилди. Намуналар ғўза экилган далалардан ўсимлик илдизидан олинди. Бўртма нематодалар ўсимлик илдизидан инкубатор услуби билан ажратилди. Бўртма нематодаларнинг тури ёш самкаларнинг ва личинкаларнинг морфологик белгилари бўйича аниқланди. Уларнинг турини аниқлаш учун самкалар танасининг аналь қисмидан аналь-вульвар пластинкали микропрепаратлар тайёрланди. Ғўза илдизининг заарланиш даражаси 5 балли система билан аниқланди.

Ўрганилган худудларда ғўзанинг жануб бўртма нематодаси-*Meloidogyne incognita* билан заарланганлиги аниқланди. Заарланган ғўза даласи кичик-кичик ўчоқли характерга эга. Бўртма нематодалари

ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Албатта бўртма нематодаларнинг 2 ёшли инвазион личинкалари ўсимликларнинг илдизига киради. Личинкалар илдизнинг учки қисмидан кириш хусусиятига эга, сабаби илдизнинг бу қисми юмшок, ёш личинкаларнинг стилети бу вақтда нозик ва кучсиз бўлади. Ўсимликнинг нематода личинкалари билан заарланиши натижасида илдиз орқали тупроқ қатламидан сўриб олинадиган намлик ва озуқа моддалар, шунингдек фотосинтез натижасида баргларда ҳосил бўлувчи органик моддаларнинг асосий қисми паразит нематодалар ўсиши ва ривожланиши учун сарфланади ва илдизда гигант хужайралар шаклланишига олиб келади. Гигант хужайралар бўртма нематодалари учун озиқ ҳисобланади. Гигант хужайралар ўсимлик илдизида ҳосил бўлса, бу ўсимлик паразит учун яхши “хўжайн” ҳисобланади. Бўртма нематода билан касалланган ўсимликларни соғлом ўсимлиқдан ажратиб олиш осон. Бўртма нематодалари ўсимликнинг деярли барча морфологик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади. Бўртма нематодаси билан заарланган ўсимликда касаллик белгилари: ғўза паст бўйли, танаси йўғонлашган, барглари тўкилган, баргларинг ранги оч бўлиши кузатилди. Илдиз системаси жуда шохланган бўлади. Шу сабабли касалланган ўсимликлар танасида мева элементлари жуда кам бўлади, ҳосилдорлик кескин камаяди, барглар, гуллар сони камаяди, барг пластинкалари хажми кичиклашади, илдизлар ингичкалашади.

Бўртма нематодаларининг эктофермент фаоллиги таъсирида ўсимлик тўқималарида қайтмас тарздаги патологик жараёнлар амалга ошади, натижада илдиз тўқималарида патологик ўзгаришлар, яъни бўртмалар юзага келади. Бўртма нематодаларининг личинкалари одатда илдизнинг марказий цилиндр соҳасига яқин, томирлар оралиғидаги паренхима хужайралари соҳасида жойлашади. Личинкаларнинг бош қисми ҳамма вақт ўсимликнинг марказий цилиндрига томон йўналган бўлади. Личинкаларнинг ўсиш ва

ривожланиши давомида гигант ҳужайраларнинг шаклланиши натижасида илдизнинг ўтказувчи тўқимасида фаолият бузилади. Нематодалар билан заарланган ўсимлик илдизларида бутунлай ўтказувчи томирлар тизими функциясини издан чиқишига олиб келади. Ўтказувчи томирларнинг фаолияти бузилиши натижасида ўсимликнинг тупроқдан намликни сўриб олиши ва намликнинг ер устки органларига етказилиши жиддий тарзда издан чиқади. Шунинг учун ёз ойларининг иссиқ кунларида янги суғорилган ғўза майдонларида заарланган ўсимликларнинг сўлинқиравш ҳолатлари кузатилди.

Бўртма нематодалар билан заарланган ўсимликларда тупроқ орқали сўриб олинган намлик ва озуқа элементлари асосан нематодаларнинг озиқланишига сарф этилади. Ўсимликнинг бўртма нематодалари билан заарланишида қўп ҳолатларда юқорида қайд қилинганидек, илдизларнинг тармоқланиши фаоллашади, яъни қўп сондаги ён илдизлар шаклана бошлайди. Нематода личинкаларининг ўсимлик илдизини ўсиш кисмiga кириши натижасида унинг ўсиши фаоллиги секинлашади, натижада илдиз “кўр илдиз” га айланиши кузатилди. Айрим заарланган ўчоқларда, айниқса “Қаҳрамон” хўжалигига ғўза илдизининг заарланиш интенсивлиги 70,5-80,6% ни, заарланиш даражаси 4-5 баллни ташкил этди. Ўсимликнинг нематода личинкалари билан заарланиши натижасида илдиз орқали тупроқ катламидан сўриб олинадиган намлик ва озуқа моддалар, шунингдек фотосинтез натижасида баргларда ҳосил бўлувчи органик моддаларнинг асосий қисми паразит нематодалар ўсиши ва ривожланиши учун сарфланади, шунингдек гигант ҳужайралар шаклланишига сарфланади, шу сабабли касалланган ўсимликлар танасида мева элементлари жуда кам бўлиши кузатилди, ҳосилдорлик кескин камаяди (жадвал).

Бўртма нематодасининг ўсимликка таъсири

| № | Майдон | Ўсимликнинг бўртма нематодаси билан заарланиш экстенсивлиги | Илдизнинг заарланиш даражаси (5 балли системада) | 1 та ғўза ўсимлигига олиб борилган тадқиқот маълумотлар | | |
|---|--------------|--|--|--|--------------------------------------|---|
| | | | | Ўсимлик бўйининг узунлиги (см.да) | Ўсимлик кўсагининг ўртача сони | Пахта хосилдорлигининг ўртача оғирлиги (гр.да) |
| 1 | Заарланмаган | 0 | 0 | 55,0 | 19,3 | 2,105 |
| 2 | Заарланган | 80,6 | 4-5 | 16,6 | 8,6 | 1,301 |

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуидагича хulosha килдик: бўртма нематодалар таъсирида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши орқада қолади; бўртма нематодалар билан заарланган ғўзада меъёрий физиологик жараёнлар сусайиши натижасида ўсимлик хосилдорлиги кескин пасаяди; ғўза илдизида бўртма нематодалари ривожланиши ва шунингдек гигант хужайралар шаклланиши даврида асосий озуқа элементларининг бўртма нематодалар личинкаси ва гигант хужайралар ривожланишига сарф этилиши каби салбий ҳолатлар юзага келади.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Шестеперов А.А., Савотиков Ю.Ф. Карантинные фитогельминтозы. М.: Колос, 1995. –463 с.
2. Метлицкий О.З., Гуськова Л.А. Методы изучения вредоносности нематод в полевых условиях // Материалы симпозиума «Принципы и методы взаимоотношений между паразитическими нематодами и растениями» Тарту, 1979. –С. 61–70.
- 3.Мавлянов О.М. Фитонематоды хлопковых агроценозов Узбекистана (вопросы таксономии, экологии и зоогеографии и меры борьбы). Автореф. дисс. на соис. уч. степ. док. биол. наук. Ташкент, 1993. –34 с.
4. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. –Л.: Наука, 1971. Т.2. 522 с.